



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 26 апрель, № 85 (7315)

Жума


Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## «БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ» ТАШАББУСИ ДОИРАСИДАГИ САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан «Бир макон, бир йўл» иккинчи халқаро форумида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Хитойда бўлиб турибди.

Ташриф доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, узоқ муддатли тараққиётнинг умумий ёндашувларини муҳокама қилиш мақсадида бир қатор давлатлар раҳбарлари, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори билан учрашувлар ўтказди.



### ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ РАИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга ташрифи 25 апрель кuni эрталаб Пекин шаҳрида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашувдан бошланди.

Хитой раҳбари Шавкат Мирзиёевни «Бир макон, бир йўл» иккинчи халқаро форумида иштирок этиш учун Пекинга ташрифи билан қутлади. Си Цзиньпин Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорлигининг бугунги ҳолатини юксак кадрлаши ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қатъий интилишини таъкидлади.

— Ҳурматли Президент, сиз биринчи форумда ҳам иштирок этганингизни мамнуният билан эслаймман, — деди Си Цзиньпин. — Шу маънода, сизни «Бир макон, бир йўл» ташаббусининг асосчиларидан бири сифатида биламиз. Ўзбекистоннинг форумга эътибори ва ундаги иштироки мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожидан далolat беради. Утган йил июнда ШХТнинг Циндао саммитида иштирокингиз чоғида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича кўплаб келишувларга эришилган эди. Бугун улар иччил амалга оширилмоқда. Ишончим комилки, Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг истиқболли порлок. Сизнинг ушбу ташрифингиз ҳар томонлама стратегик шериклигимизни янги bosқичга олиб чиқади.

Давлатимиз раҳбари халқаро форумда иштирок этиш таклифи учун миннатдорлик билдириб, ушбу тадбир ҳам икки томонлама, ҳам минтақавий ҳамкорликни

ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. — Сизни ва мамлакатингиз халқини яқинлашиб келаётган муҳим сана — Хитой Халқ Республикаси ташкил этилганнинг 70 йиллиги билан муборакбод этаман. Давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари ва сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтарилди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон ва Хитой ҳар томонлама стратегик шериклардир. Тошкент Пекиннинг ташки сиёсий йўли ва ягона Хитой масалалари бўйича қатъий позициясини, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлайди. Хитой мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсатини оқшитайди. Давлатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Си Цзиньпин «Бир макон, бир йўл» лойиҳаси Ўзбекистонда қабул қилинган 5 та йўналишдан иборат Ҳаракатлар стратегиясига тўла ҳамоҳанг эканлигини таъкидлади. Мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Хитой Ўзбекистондан юқори сифатли қишлоқ хўжалиги махсулотларини импорт қилишга тайёр. Бизнес алоқала-

рини замонавий bosқичда ривожлантириш, энергетика соҳасидаги кўшма лойиҳалар кўламини кенгайтириш, халқаро магистрал автомобиль йўллари ва темир йўллар қуриш лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди. Илм-фан, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва Ўзбекистонда Хитой маданияти марказини ташкил этиш таклифи билдирилди.

Хитой «Самарқанд сити» лойиҳасини амалга ошириш борасидаги савдо-иқтисодий тараққиёт билан қарайди. Марказий Осиё минтақасида ва қўшни Афғонистонда тинчлик-осойишталикни сақлашда Ўзбекистоннинг ҳиссасини алоҳида эътироф этади. Чин мамлакатини ШХТ доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, Ҳуқуқларлараро кўшма комиссиянинг фаолиятини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиши қайд этилди.

Хитой — Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сарможий шерикларидан бири. Ўзаро товар айирбошлаш иччил ўсмоқда. Утган йил яқунларига кўра, унинг ҳажми 6,4 миллиард доллардан ошган.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган Хитой инвестициялари ва кредитлари ҳажми 8 миллиард доллардан ошди. Президентимизнинг 2017 йил май ойида ХХРга давлат ташрифи натижасида умумий қиймати


4,5 миллиард доллардан зиёд лойиҳалар амалга оширилмоқда. Учрашувда товар айирбошлашнинг янада кенгайтириш ва диверсификация қилиш масалалари муҳокама қилинди, ўзаро савдо ҳажмини яқин йилларда 10 миллиард долларга етказишдан манфаатдорлик билдирилди. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция, инновация ва технологиялар жалб этиш соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболларига, турли соҳаларда ҳамкорлик бўйича янги кўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш, минтақанинг транзит ва транспорт-коммуникация салоҳиятини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Саноат, молия, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон «Бир макон, бир йўл» ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлаши ва унинг кенг кўламли рўйбга чиқарилишига амалий ҳисса қўшишига тайёр эканини таъкидлади. Хитой Раиси Ўзбекистоннинг бу борадаги иштироки ва ташаббуслари Хитой билан Ўзбекистон ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Учрашув якунида Шавкат Мирзиёев Си Цзиньпинни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

### ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛАРУСЬ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳрида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан учрашди.



Бугунги кунда Ўзбекистон билан Беларус ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва шериклик руҳида ривожланмоқда. Утган йиллар давомида икки ва кўп томонлама асосда мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Халқларимизнинг дўстлиги ва яқинлиги ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ва мамлакатларимизнинг турли халқаро тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашига мустаҳкам асос бўлмоқда.

Учрашувда Беларус Президентининг Ўзбекистонга утган йилги расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очгани, сифат жиҳатидан янада юқори даражага олиб чиқгани ва амалий мазмун билан бойитгани алоҳида таъкидланди.

Мулоқотда илгари эришилган келишувлар ижросининг бориши атрофида кўриб чиқилди. Президентлар икки мамлакат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми жадал ортаётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот мустаҳкамланди, турли соҳалардаги амалий ҳамкорлик иччил ривожланмоқда. Машинасозлик, фармацевтика, энгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, туризм каби соҳаларда кўшма

лоийҳалар амалга оширилмоқда. Ишбилармон доиралар ва етакчи корхоналар ўртасида алоқалар кенгаймоқда.

Учрашувда кўшма корхоналар ташкил этиш, улар ишлаб чиқарган махсулотларни учинчи давлатлар бозорига экспорт қилиш мамлакатларимиз иқтисодиёти барқарорлигини ошириши таъкидланди.

Давлатлар ўртасидаги мустаҳкам ишонч ва ҳамкорлигининг амалий натижаларига эришишга ўзаро қатъий интилиш уни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар очмоқда. Бугун мамлакатларимиз бунинг учун зарур салоҳиятга эга экани қайд этилди.

Шунингдек, ўзаро савдони кенгайтириш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, ахборот технологиялари, тиббиёт, фармацевтика, туризм соҳаларида кўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, таълим, маданият ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга моллик масалалар бўйича фикр алмашилди.

Президентлар шериклигининг янги йўналишларини самарали ривожлантириш мақсадида турли даражадаги мулоқотни фаол давом эттиришга тайёр эканини таъкидладилар.

### ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳрида Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан ҳам учрашди.



Тожикистон билан дўстона муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ташки сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлатимизнинг очик, конструктив ва прагматик ташки сиёсати натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар 2018 йилда стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Президентимизнинг 2018 йил март ойида Тожикистонга давлат ташрифи доирасида ўзаро ҳамкорликни сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва бошқа етакчи соҳаларда ривожлантиришга доир кўплаб истиқболли келишувларга эришилди.

Учрашувда Президентлар кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилган кўп қиррали Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлиги иччил ривожланаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигининг аниқ масалалари муҳокама қилинди. Ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Олий даражадаги ташрифлар давомида эришилган келишувлар ижроси ҳам кўриб чиқилди.

Утган йил Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари ривожидан тарихий йил бўлгани, ўзаро давлат ташрифлари натижасида у стратегик шериклик даражасига кўтарилгани алоҳида қайд этилди.

Бу борадаги ишлар натижасида икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми сезиларли ошди, ҳудудлараро ва гуманитар алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайтириш, илм-фан, таълим муассасалари, ижодий ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Шубҳасиз, Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларида эришилган бундай ижобий ўзгаришлар халқларимизнинг тарихий ютуғидир.

Музокарада ўзаро муносабатларнинг истиқболли йўналишларини ишга солиш, савдо-иқтисодий алоқалар қамровини кенгайтириш, ҳудудларнинг тўғридан-тўғри ҳамкорлигини ривожлантиришга келишиб олинди.

Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва яқин қўшничилик, стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

### ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ БОШҚАРУВЧИ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Дяюйтай» қароргоҳида Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристин Лагардни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари Халқаро валюта жамғармаси билан кейинги йилларда жадал ва тизимли тус олган ҳамкорлик даражасидан мамнуниятини билдирди.

Кристин Лагард Халқаро валюта жамғармаси комплекс иқтисодий ва таркибий янгилишларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистонга зарур барча ёрдамни кўрсатишни давом эттиришга қатъий интилишини таъкидлади.

Жамғарма Ўзбекистонда иқтисодий сиёсатга доир, жумладан, аҳоли турмуш даражасини яқинлашга хизмат қиладиган аниқ чораларни ишлаб чиқишда техник кўмак соҳаларини фаол кенгайтиришга тайёр экани қайд этилди.

Халқаро валюта жамғармаси ўз таҳлилларига таянган ҳолда мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти ҳолатини ижобий баҳоламоқда. Хусусан, яқин ички махсулотнинг ўсиши жорий йилда 5,5 фоиз, келаси йили эса 6 фоизга етиши кутилмоқда.

Жамғарма экспертларининг фикрича, Ўзбекистон муҳим ислохотларнинг илк bosқичини муваффақиятли амалга ошириш, жумладан, валюта муомаласи либераллаштирилиши, солиқ бошқаруви ислоҳ қилини ва давлат статистикаси тизими туддан яқинлашди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлигининг жорий масалалари кўриб чиқилди,

унинг самарадорлигига юксак баҳо берилди. Жамғармининг техник кўмаги туфайли янги солиқ сиёсати ва маъмуриятчиликни концепцияси жорий этилгани, «Марказий банк ва валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси тайёрлангани, Ўзбекистон Давлат бюджетининг илк бор ўрта муддатли асосда ишлаб чиқилгани, мамлакатимиз жамғарма статистика маълумотлари тарқатишининг умумий тизимига қўшилгани ижобий баҳоланди.

Томонлар фаол ҳамкорликни, аввало, пул-кредит сиёсати, банк тизими, солиқ-бюджет сиёсати, тўлов балансини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш соҳаларида давом эттиришга келишиб олдилар.

Кристин Лагард мазмунли муҳокама учун Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик изҳор қилиб, ўзининг 2019 йил май ойига мўлжалланган Ўзбекистонга ташрифи давомида мулоқотни давом эттиришга умид билдирди.

Сиз Ўзбекистон аҳолиси фаровонлиги йўлида амалга ошираётган кенг кўламли ислохотларни ўз кўзим билан кўрмоқчиман, деди Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# «HUAWEI» ЎЗБЕКИСТОНДА АҚЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ЛОЙИХАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ

Пекин, 25 апрель. ЎзА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Хитой Халқ Республикасида амалий ташриф билан бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 апрель куни "Huawei" компаниясининг Тадқиқотлар ва инновациялар марказига ташриф буюрди.

"Huawei Technologies" компанияси телекоммуникация технологиялари соҳасида дунёдаги етакчи ишлаб чиқарувчилардан биридир. Бугунги кунда компания 170 дан ортиқ мамлакатларда ўз филиалларига эга ҳамда АҚШнинг телекоммуникация бозоридagi энг йirik ишлаб чиқарувчилари "HewlettPackard" (HP), "IBM", "Cisco" компаниялари билан рақобатлашади. Компания тизимида 180 мингдан ортиқ ходимлар, жумладан, Хитой, АҚШ, Германия, Туркия, Хиндистон, Швеция, Россия каби давлатлардаги 20 та илмий-тадқиқот марказида 80 мингга яқин мутахассислар меҳнат қилади.

Инновацион ахборот махсулотлари ва ечимлари, маълумот узатиш тизимлари, оптик қурилмалар, роутерлар, тармоқ ускуналари, смартфонлар, планшетлар, компьютерлар, маийш электр жиҳозлари ишлаб чиқариш компанияси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда "Huawei" компанияси билан биргаликда телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш, мобил алоқа операторлари ва провайдерлари тармоқларини ривожлантириш, оптик толали алоқа линиялари ёрдамида юқори тезликда маълумотлар узатиш технологияларини ишга тушириш бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилган.

Компаниянинг Пекиндаги Тадқиқотлар ва инновациялар маркази олий мартабали меҳмонлар ташриф буюридаги муҳим объект бўлиб, бу ерда стратегик йўналишлар бўйича ҳамкорлик юзасидан музокаралар ўтказилади. Марказда компания стратегияси, алоқа операторлари ва корпоратив миқозлар учун ечим-

лар, булутли технологиялар, махсулотларнинг янги авлодини яратиш устида тадқиқотлар олиб борилади.

Президент Шавкат Мирзиёев дастлаб "Huawei" компаниясининг энг сўнгги технологик ечимлари ва махсулотлари намуналари билан танишди. "Huawei Technologies" компанияси асосчиси Жэн Чэнфэй билан мамлакатимизда "Хавфсиз шаҳар", "Электрон ҳукумат" ва шозилинч тиббий ёрдам хизматини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз компаниянинг сўнгий интелектуал асосланган ақлли технологияларига юқори баҳо берди. "Huawei" билан ҳамкорликда мамлакатимизда амалга оширилган лойиҳалар, мутахассислар тайёрлаш масалалари билан қизиқди.

— Янги технологияларни жалб этишдан олдин уларни ишлатувчи мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш жуда муҳим. Компания билан, аввало, ушбу йўналишда ҳамкорлик қилиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон учун "Huawei" компанияси билан ҳамкорликда иқтисодийнинг турли соҳаларига технологик янгиликларни олиб кириш, мобил алоқа ва маълумот узатиш тармоқларини ривожлантириш, "Ақлли" ва "Хавфсиз шаҳар" концепцияларини жорий этиш, шунингдек, сўнгий интелект тизимларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Музокара чоғида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига "Ўзмонбай" ва "Ucell" алоқа операторлари тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш доирасида Ўзбекистонда "Huawei"

компаниясининг 5G технологияларини жорий этишни тезлаштириш вазифаси қўйилди. Чекка ҳудудларда кенг полосали интернет тармоғига уланши ва интернет хизматлари нархларини тушириш бўйича симсиз технологияларнинг жорий этиш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз "Huawei" компанияси ва Хитойнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари ҳамда молиявий институтлари иштирокида "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасини жаддалаштириш, шу билан бирга, "Ақлли шаҳар" тизимини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлади.

Келгусида шозилинч тиббий ёрдам марказлари фаолиятини модернизация қилиш ва алоқанинг интеграциялашган тизимини жорий этишда "Huawei" тажрибаси ва технологияларидан фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонда компаниянинг мутахассислар тайёрлаш ўқув маркази филиалини ташкил этиш, компания технологиялари ва ечимларини вазирилик ва идораларнинг ихтисослаштирилган ўқув муассасаларига жалб қилиш, "Электрон ҳукумат" лойиҳасини амалга ошириш борасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда "Хавфсиз шаҳар" концепциясининг биринчи босқичини амалга ошириш учун "Huawei" ва "CITIC Guoan Information Technology" компаниялари билан 300 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестиция қилиш бўйича келишувга эришилган. 2019-2020 йилларда инвестиция ҳажми 1 миллиард долларга етказилади. Бу маблаг "Электрон ҳукумат", рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари, телемедицина, IT-телефония каби соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилади.

Урашув якунида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кенг қўламли ҳамкорлиги ривожлантириш юзасида келишувга эришилди.

# Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади Давлат дастури ижроси: ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИ ДЕПУТАТЛАР ОЛДИДА ҲИСОБОТ БЕРДИ

"Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан эндиликда Бош вазир Ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда парламент палаталарига Мурожаатнома-

дан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этади. Мазкур Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарининг Ҳукумат аъзолари иштирокида мажлислари бўлиб ўтди. Уларда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривож-

ланиш йили" Давлат дастурининг 2019 йил биринчи чорағида бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисобот дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Ҳисоботга Ҳукумат томонидан пухта тайёрларик қўрилган бўлиб, у Қонунчилик палатасига тақдим этилгунинга қадар Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида алоҳида муҳокама қилинган.

## «Яширин иқтисодиёт» улушини камайтириш зарур

Давлат дастурининг 63 та банди 2019 йилнинг биринчи чорағида бажарилиши белгиланган бўлиб, шундан 46 та банд тўлиқ ижро этилган, 11 банд бўйича ишлар амалга оширилди, 6 тасининг муддати узайтирилган.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси мажлисида ушбу таҳлиллар билан бир қаторда, мамлакатимизда иқтисодийнинг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиктисодий барқарорлик, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, жозибадор инвестиция муҳитини яратишга эришилгани қайд этилди. Ялпи ички махсулотнинг ўсиш суръати 5,3 фоиз, хусусан, саноат соҳаси 6,8, хизматлар кўрсатиш ҳажми 11,1, чакана савдо айланмаси 5,9 фоиз ва қишлоқ ҳўжалиги 2,5 фоиз ўсган.

Депутатлар Давлат дастури ижросини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини янада кучайтириш, соҳада олиб борилаётган ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатилганга келишиб олдилар.

Шу билан бирга, Ҳукумат эътиборини иқтисодиётнинг янада мадал ўсишини таъминлаш, инвестиция сибсатини юритиш орқали инвестицияларни жалб этишни янада фаоллаштириш, "яширин иқтисодиёт"нинг улушини камайитириш борасида таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида импорт ўрнини босувчи махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратади. Шунингдек, рақамли иқтисодиёт миллий стратегиясини ишлаб чиқишни янада тезлаштириш лозимлиги таъкидланди.

## Арзон уй-жойлар қурилиши, нархи ва сифати танқид қилинди

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси аъзолари ҳам муҳокама қилинган чоғида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, баъзи камчиликлар аниқлангани қайд этилди. Жумладан, Давлат дастурига кўра, ҳудудларни ободонлаштириш тизимини янада тақомиллаштиришни назарда тутувчи Президент қарорини қабул қилиш белгиланган бўлса-да, амалда ижроси таъминланмаган. Шунингдек, эркин иқтисодий ва

кичик саноат зоналари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш мақсадида соҳага тааллуқли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам амалда бажарилмаган. Бундан ташқари, автомобиль ва ички йўллар қурилишининг республика миқёсидаги қамрови, таъмирланаётган йўллар сифати, арзон уй-жойлар қурилиши, уларнинг нархи ва сифатига етарлиқ эътибор берилмагани депутатлар томонидан танқид қилинди.

## Тиббиётда якунига етказилмаган ишлар бор

2019 йилда оғир турмуш шароитида яшаётган аёллар, айниқса, ёш хотин-қизлар бандлигини таъминлаш манзилли дастури тасдиқланиб, унда 13 мингдан зиёд опа-сингилларимизни ишга жойлаштириш белгиланган.

Шунингдек, 1,6 миң нафар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган хотин-қизни арзон уй-жойлар билан таъминлаш режалаштирилган. Ҳозирги пайтда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан бошланғич бадал тўловларини амалга ошириш учун тижорат банкларида талабгорларга ҳисоб рақамлари очилмоқда.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси муҳокамаларида ушбу масалаларга батафсил тўхталиб ўтилди. Шу билан бирга, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базаси ва инфратузилмаси-

нинг етарли даражада ривожланмагани уларга ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қабул қилишни кенгайтиришга, илгор тиббий-ижтимоий реабилитация услубларини жорий қилишга имкон бермаётгани таъкидланди.

Депутатлар Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелдаги "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, муайян ишлар амалга оширилганини эътироф этиб, тиббиёт муассасалари таркибида бўлмаган оғир беморлар учун Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ҳудудларо ҳосис бўлимларини ташкил қилиш ишлари хали охирига етказилмаганини танқид қилди.

# ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАНАДИ

Москва шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлари комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисод, савдо-саноат, сармоя, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, энергетика, енгил ва кимё саноати каби қатор соҳалар учун масъул вазирилик ва идоралари, компания раҳбарлари иштирок этиди.

Мажлис Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлари комиссияси ҳамраислари — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вази-

ри Ботир Ҳўжаев ва Россия Федерацияси иқтисодий ривожланиш вазири Максим Орешкин раислигида ўтди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик асосидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадвал ривожланиб бормоқда. Олий даражадаги ташрифлар давомидаги учрашув ва музокаралар якуни бўйича эришилган келишувлар бунда муҳим ўрин тутди.

Мулоқотда икки томонлама ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Комиссиянинг ўн тўққизинчи мажлисида белгиланган вазифалар ижроси бўйича маълумотлар тингланди. Савдо-иқтисодий, жумладан, қўлғили-энергетика комплексида, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Алоқа, ахборот технологиялари ва коммуникация, таъ-

лим, фан, туризм, маданият, миграция, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қизиқиш билдирилди.

Тадбир доирасида миллий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Музокаралар якунида ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича таклифлар билдирилди, мажлис баённомаси қабул қилинди.

ЎзА.

## «Ўзбекистон тарихи» телеканали қачон ташкил этилади?

Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси аъзолари томонидан чоратадбирлар қўрилгани таъкидланди.

Шунингдек, Давлат дастурида ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга

этиш бўйича белгиланган мuddатлар ўтиб кетган бўлишига қарамай, тегишли масъулар томонидан чоратадбирлар қўрилгани таъкидланди.

Шунингдек, Давлат дастурида ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга

қаратилган "Электрон парламент" тизими лойиҳаларини амалга ошириш учун молиявий харажатларнинг манбаларига оидлик кириштирилган сабабли ханузга қадар ушбу вазифани яқунлашнинг имкони бўлмаётгани ҳам қайд этилди.

Парламент қўйи палатасининг барча кўмитасида ўтказилган муҳокамалар кизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Якунда кўмиталарнинг тегишли қарорларни қабул қилиниб, Ҳукуматнинг ҳисоботини ялпи мажлисда қўриб чиқиш учун таклифлар билдирилди.

# ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ — АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ КАФОЛАТИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Tashkent Law Spring» I халқаро юридик форуми ўз ишини бошлади.



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қатор вазирилик ва идоралар, халқаро ҳамкорлар кўмағида ўтказилаётган мазкур форумда ҳуқуқ соҳасининг мингдан ортиқ вакиллари, жумладан, дунёнинг ривожланган 40 га яқин мамлакатларидан қарийб 240 нафар делегатлар, экспертлар ва олимлар қатнашмоқда.

Форум бир нечта мақсадларни қўзғалади. Хусусан, жаҳон юридик ҳамжамияти Ўзбекистон қонунчилиги билан батафсил таништирилиб, уларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар

ҳақида объектив маълумотлар етказилапти. Қолаверса, маҳаллий ва хорижий ҳуқуқшунослар дунёда ҳуқуқ йўналишида бўлаётган сўнгги тенденцияларни биргаликда муҳокама қилишмоқда.

Замонавий юридик фан ҳамда амалиётнинг долзарб масалалари, шунингдек, давлат ва жамиятнинг жадвал ўзгариш даврида ҳуқуқ қандай бўлиши керак, деган савол атрофида ўзаро фикр алмашилаётгани, табиийки, юртимиз ҳуқуқ тизимини хориж тажрибаси асосида янада ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

"Ҳуқуқ — жадвал модернизация даврида" шiori остидаги анжуманининг биринчи кунда муҳокама сессиялари ва давра суҳбатлари очик мулоқот тарзида, ишчан рудада ўтди. Унда "Халқаро арбитраж ва суд

иши", "Халқаро рейтинглар (индекслар)", "Инвестициялар: замонавий чакриқлар ва имкониятлар", "Давлат-хусусий шериклик: ташкил этиш ва ривожлантиришнинг глобал тажрибаси", "Давлат режалаштируви ва маъмурий ислохот" ҳамда "Суд экспертизаси" каби мавзулар муҳокама марказида бўлди.

Тадбир доирасида "Йилнинг энг яхши адвокат", "Йилнинг энг яхши адвокатлик тизимаси", "Энг яхши корпоратив юридик хизмат" каби номинациялар бўйича голибларни тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.



## Сўз — анжуман иштирокчиларига

**Русланбек ДАВЛЕТОВ, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири:** — Халқаро юридик форум юртимиз ва хорижий ҳуқуқ соҳаси олимларини бир жойга жамлагани билан аҳамиятли. Негаки, ушбу тадбир ўзаро мулоқот қилиш, мамлакатимиз қонунчилигидаги янгиликларни чет эллик мутахассисларга таништириш, илгор ютуқларни ўзлаштириш имконини беради.

Инвесторлар ҳамда хусусий мулк ҳуқуқий ҳимояси — энг муҳим масала. Тадбирда бу борада замонавий ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратиш, фуқаролик қонунчилигини янада тақомиллаштириш бўйича жаҳоннинг энг илгор юристлари билан фикр алмашяямиз. Келгусида Фуқаролик кодексини ҳам умуман янгича услуб ва халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқишни режалаштирганмиз. Форумда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳам амалга оширилаётган ишларни янада кучайтираемиз.

**Кэролин ЛЭММ, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси, "White & Case" халқаро юридик фирмаси бошқарув шериги:** — Ўзбекистонда қайси соҳада бўлмасин, тобора юксалиш кузатиляпти. Жумладан, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш йўналишида ҳам шундай дейиш мумкин. Ташкил

етилган форум ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар билан кенроқ танишиш учун қўлай имкониятдир. Шунинг алоҳида таъкидлашнинг истаридимки, Тошкент халқаро арбитраж маркази (ТИАС)нинг очилгани Ўзбекистон учун янги имкониятларни яратади. Унинг қоидалари, механизми, арбитражлари ҳам шакллантирилган. Айни пайтда халқаро тижорат арбитражига оид қонун лойиҳаси муҳокама қилинаётганидан ҳам хабардорман.

Ишонаманки, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши бу соҳадаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

**Ашита МИТТАЛ, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси (UNODC) Марказий Осиёдаги минтақавий вакили:** — Форум юқори савияда ташкил этилган. Унда суд-ҳуқуқ соҳасининг энг тажрибали мутахассислари қатнашляптики, бу Ўзбекистон учун ҳам, бошқа ҳамкор хорижий давлатлар учун ҳам жуда фойдалу. Чунки қонунчилик соҳасида муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

— Суд-ҳуқуқ соҳасининг тақомиллашуви ҳар бир давлат тараққийотининг муҳим устунидир. Шу нуқтаи назардан мазкур форумнинг юртингиз раванқи учун аҳамияти қатта. Фикримча, Ўзбекистон бошқа ривожланган давлатлар тажрибасига назар солиши мақсадга мувофиқ. Чунки бу йўналишда жуда катта йўлни босиб ўтган мамлакатлар бор, уларнинг ютуқларини ҳам, керак бўлса, йўл қўйган хатоларини ҳам чуқур ўрганиш аини мудида. Ўзбекистоннинг хориж тажрибаларини ўрганишга бўлган интилишини юқори баҳолаймиз. Бу нафақат қонунчилик соҳаси, балки бошқа соҳалар ривожини, умуман, мамлакат тараққийоти учун ҳам муҳим.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Олий суди билан биргаликда қонун устуворлиги таъминлини янада ривожлантиришга қаратилган, қиймати 12 млн. АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳани амалга оширишни режалаштиряпмиз.

Анжуман доирасида ўтказилган "Суд экспертизаси" мавзусидаги давра суҳбати ҳам кизгин кечди. Суд экспертизаси йўналишида ўзаро тажриба алмашилди. Билдирилган қўллаб муҳим тақлиф ва тавсиялар эса Ўзбекистон суд-ҳуқуқ соҳаси ривожига катта роль ўйнайди.

**Алан МЕЛЬЦЕР, АҚШнинг мамлакатимиздаги муваққат ишлар вакили:** — Суд-ҳуқуқ соҳасининг тақомиллашуви ҳар бир давлат тараққийотининг муҳим устунидир. Шу нуқтаи назардан мазкур форумнинг юртингиз раванқи учун аҳамияти қатта. Фикримча, Ўзбекистон бошқа ривожланган давлатлар тажрибасига назар солиши мақсадга мувофиқ. Чунки бу йўналишда жуда катта йўлни босиб ўтган мамлакатлар бор, уларнинг ютуқларини ҳам, керак бўлса, йўл қўйган хатоларини ҳам чуқур ўрганиш аини мудида. Ўзбекистоннинг хориж тажрибаларини ўрганишга бўлган интилишини юқори баҳолаймиз. Бу нафақат қонунчилик соҳаси, балки бошқа соҳалар ривожини, умуман, мамлакат тараққийоти учун ҳам муҳим.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Олий суди билан биргаликда қонун устуворлиги таъминлини янада ривожлантиришга қаратилган, қиймати 12 млн. АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳани амалга оширишни режалаштиряпмиз.

**Винсан ПИРОН, Франциянинг "Пирон Консалтинг" юридик фирмаси раҳбари:** — Тадбир менда катта қизиқиш уйғотди. Бундай анжуманлар нафақат суд-ҳуқуқ соҳасини тақомиллаштириш, бу борада ўзаро фикр алмашиш, балки инвесторларни ҳам жалб қилишда долзарб аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан, бу — Ўзбекистоннинг ютуқларидан бири.

Ўзбекистонлик юристлар билан мулоқот қилдик. Фуқароларга юридик хизмат кўрсатиш, бу борада уларга қўлай шарт-шароитлар яратиш, аҳоли манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича музокараларимиз келгусида ўз самараларини беришига ишонаман.

**Шамсул ҚАМАР, Малайзиянинг "CSQ Law" адвокатлар фирмаси вакили:** — Кейинги икки-уч йилда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилляпти. Буни тезкор ахборот воситалари орқали кузатиб бормоқдамиз.

Аммо қонунчилик шундай тушунчаки, у бир жойда қотиб турмайди. Давр талаби билан тақомиллаштириб борилиши лозим. Яъни фуқаролар

бўладими, инвесторлар, тадбиркорлар бўладими, умуман, барча-барчанинг манфаатлари асосида ўзгартиришлар киритилляпти.

Шу маънода, қонун устуворлигини таъминлаш барча давлатлар, хусусан, Ўзбекистон учун ҳам муҳим. Юртингизда бу борадаги ишларни алоҳида эътироф этмоқчиман. Биз ҳам мазкур йўналишларда истиқболли лойиҳаларни биргаликда ҳаётга татбиқ қилиш истагидамиз. Бугун форумда ҳуқуқий соҳада тажриба алмашиш насиб этди. Бунинг учун ташкилотчиларга, Ўзбекистон ҳуқуқматига миннатдорлигини билдираман.

**Ясир АЛАСИМ, Саудия Арабистони подшоҳлиги адлия вазири ўринбосари:** — Форум жуда кизгин кечмоқда. Унда малакали ҳуқуқшунослар ўзларининг юриспруденция соҳаси бўйича инновацион гоҳ ҳамда ёндашувларини баён қилишляпти.

Ташриф давомида Саудия Арабистони ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш бўйича ҳам музокаралар олиб борамиз. Умид қиламанки, бу саъй-ҳаракатлар икки мамлакат учун бирдек манфаатли бўляди. Форум бизга ана шундай имкониятларни яратиб беради.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»):** Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Оила мустақамлиги учун ким масъул?

Республикамизда бола ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича олиб борилаётган ишлар кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан кутиб олинмоқда.

Сенатор мушоҳадаси

Чунончи, қарорда бола ҳуқуқлари кафолатлари билан бир қаторда, мамлакатимизда гендер тенглигини таъминлашга доир муҳим жиҳат борки, у ҳам бўлса, жорий йилнинг 1 сентябрийдан никоҳ ёшнинг эркаклар ва аёллар учун 18 ёшдан белгилашни бўлди.

Маълумки, шу пайтгача қонунчилигимизга мувофиқ, қизларимизни 17 ёшдан турмушга бериш мумкин бўлган. Аслида, аввало, фарзандлари, оиласи олдидаги масъулиятни ҳис қилган инсон никоҳ қилишдан олдин бунга ҳар томонлама тайёр бўлиши, оддий айтганда, оёққа турган бўлиши лозимлигини тушунади.

Албатта, бир кунлик тўй-томоша қувончу шодлик билан ўтади. Ёшлар қийналмасин, деб барча шарт-шароитни таъминлашга интиламиз. Ўз навбатида, урф-одатлар ҳамда халқимизнинг орзу-хаваслари баҳонасида қиз томон ҳам озмунча ҳаракат қилмайди. Аммо ҳар доим ҳам бу орзу-хаваслар ўзини тўлақонли оқламаётганини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Катталарнинг шунча сабаб-ҳаракатларига яраша йўл-қўйилган маълум бир етуқлик ёшига етганда, бир касбнинг эгаси бўлганда, оиланинг кадр-қимматини тушуниб етган чоғида никоҳ қуришса, шубҳасиз, оила янада мустақам бўлади.

Бундай намунали оилалар жамиятимизда оз эмас. Лекин биз ҳозир бунинг аксини ҳам кўришимиз мумкин.

Турмуш қурганидан бир оз муддат ўтиб, арзимаган сабаблар билан ажрашиб кетатган оилалар, отасиз ёки онасиз қолаётган болалар муаммоларини синчиклаб қарайдиган бўлсак, уларнинг аксариятида бир хил ҳолатларга гувоҳ бўлиш мумкин. Яъни муаммоларнинг энг кўпи айнан эрта никоҳлар билан боғлиқ.

Буни, аввало, ота-оналар ўйлаши лозим. Ушбу масала уларнинг тиббий маданияти, дунёқараши ва жамият олдидаги масъулиятига боғлиқ. Никоҳ қураётган ёшлар оиланинг масъулиятини ўз бўйига олиши, соғлом фарзандлар қўриб, уларни баркамол қилиб тарбиялаш салоҳиятига эга бўлиши даркор. Афсуски, кўпгина ҳолларда ота-оналар хато қилиб қўйганини кеч англайдилар.

Президентимизнинг маъруз қарори шу каби ҳолатларнинг олдини олишда муҳим омили бўлади. Унинг ўз вақтида тарғиб қилиниши, ҳужжатда назарда тутилган бола ҳуқуқларига оид бир неча имтиёз ва имкониятларнинг кенг аҳолига етказилиши қўйлаётган натижаларнинг изчил рўёбига хизмат қилади. Биз, сенаторлар бу ишда ҳаммадан ҳам фаол бўлишимиз лозим.

Гулчехра РИХСИЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари.

Энди Наманганнинг «Океан»и бор

Чемпионлар ўз-ўзидан етишиб чиқмайди. Иқтидор эгаларини кашф этиб, уларнинг маҳоратига сайқал бериш учун, албатта, муносиб шароит ва мураббийлар керак. Айни шу жиҳатдан ҳам мамлакатимизда спорт инфратузилмасини ривожлантириш, маҳоратли тренерларни тайёрлаш масалалари алоҳида эътиборда.



БЕШ ТАШАББУС — АМАЛДА

— Бу муҳташам сарой сув спорти бўйича халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келаётган наманганлик спортчилар, хусусан, ёшлар учун янада кенгроқ имкониятларни яратоди, — деди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қ. Рафиқов.

Биз Осиев, жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида бокс, оғир ва енгил атлетика, дзюдо, юнон-рум кураши, таэквондо каби қатор спорт турларида вакилларимиз галабаси шарафига байроғимиз билан кўтарилиб, мадҳиямиз янграган онларга кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Кўларимизда қувонч ёшлари қалқиган. «Ўзбекистон!», «Ўзбекистон!», «Ўзбекистон!» дея жўшиб ҳайқирганмиз. Ҳаяжонли дамлардан руҳланиб, бир-биримизни бағримизга босиб, табриклаганмиз. Булар қандай гўзал манзаралар, шундай эмасми?

лар барпо этилмоқда. Буни Наманганда фойдаланишга топширилган «Океан» сув спорти саройи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Замонавий мажмуанинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон



Касаба уюшмалари Федерацияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Сув спорти федерацияси, вилоят давлат ва жамоат ташкилотлари, спортчилар, фахрийлар ҳамда ёшлар вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси маблаг ҳисобидан барпо қилинган «Океан» сув спорти саройи энг илгор мейморий ечими, бетакрор қиёфаси, халқаро микёсдаги мусобақаларни ўтказиш имкониятлари билан ҳар қандай кишида ҳавас уйғотиши, шубҳасиз.

«Узоғирсанотлоийа» акциядорлик жамияти лойиҳаси асосида «Касаба қурилиш таъмир» шубба корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилган «Океан» халқаро

стандартларга жавоб берадиган, яъни сатҳи 50х24,5 метр, чуқурлиги 1,90-2,10 метр бўлган сузиш ҳавзаси, томошабинлар трибунаси, икки қаватли маъмурият биноси ҳамда бошқа ёрдамчи хона ва иншоотларни ўз ичига олган. Сузиш ҳавзасида бир вақтнинг ўзида 100 киши шугулланиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, 2435 куб метр ёки қарий 2,5 минг тонна сийғимли ҳавзани тоза сув билан таъминлаб туриш учун энг замонавий хорижий техник ускуналар ўрнатилган. Соатига 304 куб метр сувни хайдаш қувватига эга насослар ёрдамида шунча микдордаги сув 8 соатда тўла янгилаб турилади. Бундан ташқари, сузиш ҳавзасида соатига 30 куб метр сувни филтрлаш, ҳароратини 26 — 29 даражада сақлаб туришнинг автоматик тизими ҳам бор.

Курадилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).

Тиббиёт тизимини такомиллаштириш масалалари халқаро экспертлар муҳокамасида

Пойтахтимизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни ислоҳ қилиш» мавзусида мулоқот бўлиб ўтди.

Ушбу ҳужжатда соғлиқни сақлаш соҳасида миллий қонунчилиқни, тиббиёт соҳасида замонавий бошқарув ва молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш, худудларда «кластер» моделини шакллантириш, тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, оналик ҳамда болалик муҳофазасини кучайтириш, хусусий тиббиёт, давлат-хусусий шериклик механизми ва тиббий туризми ривожлантириш орқали инвестицияларни кенг жалб этиш, фармацевтика тармоғи, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, тиббиёт фанини ривожлантириш ҳамда электрон соғлиқни сақлаш тизимини кенг жорий этиш каби устувор вазифалар белгиланган.

ни молиялаштиришни тўғри йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратилади, — дейди ЖССТнинг иқтисодий масалалар бўйича етакчи эксперти Мелитта Якаб. — Зеро, бу борадаги ишлар аҳоли саломатлигини мустақамлаш ҳамда муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тиббий ёрдам сифатини яхшилашда инфратузилма ва клиник амалиёт самарадорлигини ошириш, ресурсларни тақсимлашдаги тенгсизликни бартараф этишдек эзгу максалларга хизмат қилади. Ўзбекистонда бу борада кенг қўламли ишлар олиб борилаётганидан хабардорман. Энг муҳими, юртингизда соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозаларига мос ҳолда ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Хорижий тажриба ўрганилиб, халқаро экспертлар билан

очик мулоқотлар олиб борилапти. Маъмур тадбир ҳам бу борада муҳим қадамлардан бири бўлди.

Мулоқот давомида Концепциядан келиб чиққан ҳолда, соғлиқни сақлашни молиялаштиришни ислоҳ қилишнинг асосий қўриқларидан бири — давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажминини белгилаш, тиббий хизматлар учун клиник-ҳаражат гуруҳлари бўйича «хар бир даволанган ҳолат» учун тўла тизими ҳамда киши бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини татбиқ қилиш ишлари бошлаб юборилгани айтиб ўтилди. Соҳада молиявий ислохотлар ва мажбурий тиббий сугурталашни жорий этиш юзасидан мутахассислар ҳамда экспертларнинг фикр-мулоҳазалари тинлганди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувахимов, Бош вазир ўринбосари А. Абдуҳакимов иштирок этди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

Анжуман

Тадбирда бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт тизимида муҳим ўзгаришлар олиб борилаётгани таъкидланди. Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, вазирлик ҳамда идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, ташкилотлар ва қўшма корхоналар ҳамда илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва таълим муассасалари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ

2018/2019 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш учун ишга тақсимлаш жараёни давом этаётганлиги тўғрисида хабар қилади.

Шу муносабат билан 2019 йилнинг 4 майида институт биносидан иш берувчилар иштирокида «Карьера куни» меҳнат ярмаркаси ўтказилади. Йўл-транспорт соҳаси ихтисосликлари бўйича замонавий билим ва кўникмаларга эга битирувчи кадрларимизга эҳтиёжи бўлган корхона ҳамда ташкилотлар, муассасалардан буюртмаларни жорий йилнинг 3 майдан кечиктирмасдан 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 20-уй манзилига, 71-232-14-98 факсига ёки www.tayi.uz сайтига, e-mail: devonxona@tayi.uz электрон манзилига контакт реквизитларини қолдирган ҳолда юборишларини сўраймиз.

Мурожаат учун телефонлар: 71-233-08-27; 71-232-14-98; 71-236-77-93.

2018/2019 ўқув йилида ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ БИТИРУВЧИЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

БАКАЛАВРИАТ

Table with columns for T/p, Codes, Subjects, and Regional Results for Bachelor's degree candidates.

МАГИСТРАТУРА


Table with columns for T/p, Codes, Subjects, and Regional Results for Master's degree candidates.

«Г» — давлат гранти асосида; «Ш» — тўлов-шартнома асосида.

# «ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК — ИНСОНИЙ БУРЧ»

Тинчликнинг қадри баланд. Уни асраш ва қарор топтириш учун курашган, жонини фидо қилган инсонларнинг номи ҳам, хизматлари ҳам азиздир.

Президентимизнинг 2019 йил 23 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ана шу унутилмас ҳақиқатнинг яна бир ифодаси бўлди. Ушбу муҳим ҳужжатларда фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган қаҳрамонлар, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ўғлонлар хотирасини эъзозлаш, оловли жангҳоқлардан омон қайтган боболаримиз, фронт ортида оғир кунларни сабр-бардош билан енгган мола-римизга ҳурмат кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгиланиши барчамизга чексиз қувонч, фахр-ифтихор бахш этди. Буни кўйидаги фикр-мулоҳазалардан ҳам билиш мумкин.



Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлган.

Халқимиз фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, бир бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрган.

Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ:

- бу йил мамлакатимизда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 74 йиллиги нишонланади.
- Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари 7 500 000 сўм миқдоридан бирийўла тўланадиган пул мукофотлари билан тақдирланади.

давлатимиз раҳбарининг бу эхтиромидан кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшилди. Йигитлик шижоатим қайтгандек бўлди. Набираларимга мана шундай нурафшон кунларнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш зарурлигини бот-бот такрорлайман. Илоҳ, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётганлар омон бўлсин!

**Рустам КАЛОНОВ, «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси:**

— Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш, шунингдек, уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармон ҳамда қарорни ўқирганимиз, Президентимизнинг кексаларимизга, тинчлик фидойиларига қайноқ меҳрини, юксак эътиборини юракдан ҳис қилдик. Мана, тарихга ҳурмат, инсонни қадрлаш, эъзозлаш...

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, уруш ва фронт ортидаги меҳнат фахрийлари, мустақиллик

йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари кўрсатган матонат, мардлик ва жасоратнинг ахамиятини кенг аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тушунтириш, тарғиб ҳамда ташвиқ қилиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказамиз.

Иккинчи жаҳон урушида ғалабага бекиёс ҳиссасини қўшган ҳамда уруш қаҳрамони бўлган фахрийлар номлари улар тугилиб ўсган кўчаларга берилиши ҳам чуқур маъно-мазмунга эга. Бу ёшларда ота-боболарнинг қаҳрамонликларидан гуруланиш, ўтмишдан ҳулоса чиқариш, Ватанини севиш туйғуларини мустаҳкамлайди.

**Дилбар ҒУЛОМОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, меҳнат фахрийси:**

— Президентимизнинг ушбу Фармон ва қарори Ўзбекистонда амалга оширилаётган

инсонпарварлик сиёсатининг яна бир амалдаги кўринишидир. Ҳақиқатан ҳам, биз тирикликда эъзозлашимиз зарур бўлган нуроний кексаларимиз сафи тобора камайиб бормоқда, қолганларига баҳоли қудрат иззат-икром кўрсатилиб, ҳурматлари жойига қўйилмапти. Улар бугунги кундаги дуоғуйларимиз, бошларидан кўп мушобат ўтказган, ҳаёт синовларига дош бериб келган, тажрибали, кўпни кўрган мўйсафидларимиз, донишманд боболаримиз, сертлашмиш момоларимиз. Биз уларни қанча қадрласак, фарзандларимиздан айна шу яхшиликлар, эзгу ишлар эртага ўзимизга қайтади. Модомики, ўз миллий қадрият ва аънаналаримизни ардоқлар эканмиз, аждодларимизга ҳурмат бажо этарканмиз, дедмак, уйимизда тарбия топаётган ўғил-қизимизга ҳам шу эъзоз, ҳурмат юқади, таъсир кўрсатади. Давлатимиз раҳбарининг инсонни улуглашга қаратилган эзгу ишлари айна шу жиҳати билан ҳам қадридлир.

«Халқ сўзи».

## ИННОВАЦИЯ хабарлари

### QR-кодли дарсликлар

Янги ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синф ўқувчиларига география фани инновацион дарслик ёрдамида ўқитилади.

Китоб Инновацион ривожланиш вазирлиги ходими Жаҳонгир Мусаев томонидан яратилган бўлиб, унинг саҳифаларидан ўрин олган QR-кодлар орқали қизиқарли (харита, диаграмма, инфографика, аудио, видео, матн кўринишидаги) маълумотлар билан танишиш мумкин.

Ўқувчилар учун 8-синф технология фани дарслиги эса 16 та амалий машғулоти ўз ичига олган QR-код белгилари билан чоп этилмоқда. Бу орқали ўқувчи ва ўқувчилар амалий машғулотларнинг видеотаъсирини томоша қилиш имкониятига эга бўлади.

Келгусида бошқа дарсликларга ҳам QR-код белгисини ўрнатиш ишлари олиб бориляпти.



### «Robocup» фолибларига имтиёз

Пойтахтимизда «Robocup» телевизион мусобақаси ўтказилмоқда.



Унда роботлар футбол ва сумода баҳслашишади. «Robo-Sumo» мусобақасида иштирок этаётган 12 жамоа Хитойда бўлиб ўтадиган «Asian Science Camp» оромгоҳига йўланма олади. Шунингдек, «Robo-Futbol» мусобақаси фолиблари Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетига кириш учун 30 фоиз қўшимча баллга эга бўлади. Агар имтиҳонда танлов фолиби яхши натижаларни кўлга киритса, контракт-тўлов пулининг 50 фоизигача бўлган миқдори университет томонидан қопланади. Янада яхшироқ натижалар қайд этган мусобақа фолиби тўғрисидаги турин политехника университетига кириш имкониятига эга бўлади.

### ТИКА билан изчил ҳамкорлик

Инновацион ривожланиш вазирлиги билан Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасида ҳамкорлик алоқалари янада кенгайтирилди.

Илмий ишланмаларга оид лойиҳаларни тижоратлаштириш борасида ТИКА ваколатхонаси Туркиянинг йирик тадбиркорларини мамлакатимизга жалб этади. Шу билан бирга, ТИКА ваколатхонаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги касб-хунар коллежлари директорлари, ҳудудий бошқармаларнинг касб-хунар коллежлари методик кўмаклашиш бўйича маслаҳатчи-методистлар учун туркийлик мутахассислар томонидан семинарлар ташкил этилмоқда.

### Дунёнинг етакчи наشريёти таклифи

«Springer Nature» ҳамда «Clarivate Analytics» компанияси вакиллари билан Инновацион ривожланиш вазирлигида учрашув бўлиб ўтди.

«Springer Nature» — илмий адабиётлар нашр этувчи дунёдаги етакчи муассасалардан бири. Компания, шунингдек, турли маълумотлар базаларига ҳам эга.

«Springer Nature» ва Ўзбекистон олимлари анчадан бери ҳамкорлик қилиб келишади. Бугунги кунда ўзбек олимларининг хорижда чоп этиладиган мақолалари ва китобларининг 20 фоизи «Springer Nature» нашриётида чиқарилади. Бундан ташқари, ҳамкорлик доирасида юртимизда инглиз тилида 2 та илмий журнал — «Chemistry of Natural Compounds» («Табий бирик-

малар кимёси»), «Applied Solar Energy» («Амалий қуёш энергетикаси») («Гелиотехника») нашр этилмоқда.

Учрашув давомида «Springer Nature» компанияси билан Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Компания юртимиз олимлари учун уч ой давомида ўз журналларидан бепул фойдаланиш имкониятини беришга тайёргилини билдирди.

**Дилмурод СОДИҚОВ** («Халқ сўзи») тайёрлади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Тўқимачилик матолари технологияси кафедрасининг мудири Дилфуза Қодирова турмуш ўртоғи **Баҳром УЗОҚОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Konstruktor» МЧЖ илмий-ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси жамият раиси, техника фанлари доктори, профессор

**Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

## 26 апрель — «Амир Тему́р» ордени таъсис этилган кун

# Мардлик ва жасоратга руҳлантирувчи куч

Буюк соҳибқирон Амир Тему́р асос солган салтанатда адолат устувор эди. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини кўлга киритгач, буюк боболаримиз амал қилиб келган муқаддас қадриятлар яна азалий ўзанларига қайтди.

1996 йил 26 апрелда «Амир Тему́р» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ушбу орден билан давлатчилигимиздаги муштаҳамлашдаги улкан хизматлари, мезморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга, давлатлараро ҳамкорликни, тинчлик ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни муштаҳамлашга алоҳида ҳисса қўшган юрдошларимиз, шунингдек, мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар бу орден билан тақдирланиши Низом асосида белгилаб қўйилди. Фуқаролар билан бир қатор-

да, айрим ҳолларда, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, иқодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам ушбу орден билан мукофотланиши мумкин. Амир Тему́р сиймоси адолат, дину дённат, илм-фан, адабиёт ва санъат ҳимоячиси сифатида асрлар давомида халқ озгидан тўшмай келади. Унинг дин ва маънавият ривожига кенг йўл очгани асли келиб чиқиши теурийлардан бўлган мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳам алоҳида таъкидлаган эди:

**Қани Тему́р — шаҳи исломпаноҳ Ки, жаҳон олди чеки хайли сипоҳ.**

Ривоятларга қараганда, адолатпеша Сулаймон пайғамбарнинг узуги муҳрида «Ростий — рустий», яъни «Куч — адолатда» деб битилган экан. Соҳибқирон Амир Тему́р ҳам бу ширини қабул қилиб, ўзи турган салтанатда адолатни қарор топтирган эди. «Амир Тему́р» ордени марказидаги от устидаги соҳибқирон тасвири остига ҳам «Куч — адолатда» сўзлари битилган. Бугунги кунда давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсат, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида нуфузи ошиб борган ҳолда одамларнинг бу ҳаётдан рози бўлиб яшаш таъминлари, таъбир жоиз бўлса, машҳур тарихий широнинг яна бир бор амалда ўз исботини топаётганини ифодалайди.



1996 йил 28 августда соҳибқироннинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан Самарқанд ҳамда Шаҳрисабз шаҳарлари, 2014 йил 22 августда Термиз шаҳри «Амир Тему́р» ордени мукофотланган. Шаҳмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритган Рустам Қосимов ҳам ушбу орден билан тақдирланган эди.

**Шойим БЎТАЕВ** («Халқ сўзи»).

## Профессор ўзи ўқиган мактабга 300 та китоб билан келди

Мамлакатимизда китобхонлик маданиятини юксалтириш борасида бошланган саъй-ҳаракатлар, эзгу ташаббуслар замирида юрдошларимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитиш, билим ва дунёқарашини юксалтириш мақсади мужассам.

### Маънавият

Яқинда Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббусдан бири бевосита мазкур масалага дахлдор. Унга мувофиқ, айна пайтда юртимиздаги катта-кичик раҳбарлар,

турли соҳалар мугасаддилари, маънавият, илм-фан соҳаси пешқадамлари жойларда турли тарғибот тадбирларида иштирок этишяпти. Шунингдек, уларнинг ўзлари таҳсил олган умумтаълим мактабларига китоблар совға қилиши эзгу аънана тусига кирди. Таниқли тилшунос олим, таржимон,

Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори, филология фанлари доктори Муҳаммадjon Холбеков ҳам ана шу хайри ташаббусга бош қўшди. У яқинда Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги ўзи таълим олган 18-мактабга 300 та китоб билан кириб борди. Ўқувчиларга тақдим этилган бадий ва ўқув адабиётлари, дарсликлар орасида олимнинг ўзи таржима қилган француз адаблари асарлари ҳам бор.

**Улкан ҚАРШИБАЕВА,** филология фанлари доктори.

## Ноодатий зиё маскани

Гулистонда «Ўқитувчи» китоб дўкони очилди. Мазкур масканда адабиётларни сотиб олиш билан бирга, шу ернинг ўзида мурола қилиш ҳам мумкин.

Эътиборлиси, дўконнинг ўқув залида қўшимча қўлайлик ҳам яратилган. Масалан, бу ерда китоб ўқиш билан бирга, қаҳва ва салқин ичимликлар истеъмол қилиш мумкин.

Дўкон мудири Мадрахим Қосимовнинг айтишича, ҳозирча тоқалар 10 мингга яқин адабиётлар билан тўлдирилди. Кутубхонага босма маҳсулотлар нашриётлар билан тўғридан-тўғри

шартнома асосида келтирилади. Бу эса китоб нарҳининг анча арзон бўлишини таъминлайди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ** («Халқ сўзи»).

## Соғинч

Бугун Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудига 65 йил тўлди. Унинг Ватан ишқига лиммо-лим, каттаю кичикка бирдек манзур бўладиган халқона шеърлари дилларда, тилларда, қўшиқларда барҳаёт.



Муҳаммад ЮСУФ

## Иқроор

*О, ота маконим,  
Онажон ўлкам,  
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.  
Сендай меҳрибон йўқ,  
Сенингдек кўркам.  
Римни алишмасман бедапоянгга.*

*Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,  
Қанча юртни кўришм, қанча тақдирлар.  
Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,  
Тоғларинг изимдан эргашиб юрар.*

*Кўрдим судуварнинг энг фарангларин,  
Ё худбинман мен ё бир содда касман мен —  
Парижнинг энг гўзал рестороанларин,  
Битта тандирингга алишмасман мен.*

*На гапга кўнайн,  
На тил билайн,  
Кўздан уйқу қочди, дилдан ҳаловат —  
Уч кунда соғинсам нима қилайн,  
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.*

*Билдимки, баридан улугим ўзинг,  
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.  
Баҳорда Бахмалда тугилган кўзинг,  
Араб оҳусидан азизроқ менга.*

*Сен билан ўтган ҳар кун байрам-базм,  
Сенсиз бир он қолсам ваҳимм келади.  
Сени биланларга қиламан таъзим,  
Сени билмасларга раҳимм келади.*

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8784

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**Телефонлар:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташкилотнинг қўли билан берилиши учун бўлгани расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид хамда оператор Ж. Тоғая томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.  
Навбатчи — Д. Содиқов.  
Мусахҳиш — С. Исломов.

«Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза яқини — 01.50 Топширилди — 03.25 1 2 3 4 5 6